

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ЗАРИПОВ ЛОЧИН РУСТАМОВИЧ

**ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВ АСОСИДА 5-7-СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИДА
ТЕХНОЛОГИК КОМПЕТЕНЦИЯЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ
МЕТОДИКАСИ**

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси
(технология)

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2020

УДК. 371.
035.3:371.3

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
педагогическим наукам
Contents of Dissertation Abstract of Doctor of Philosophy (PhD)
on Pedagogical Sciences**

Зарипов Лочин Рустамович

Инновацион ёндашув асосида 5-7- синф ўқувчиларида технологик
компетенцияларни шакллантириш методикасини такомиллаштириш3

Зарипов Лочин Рустамович

Формирование технологических компетенции учащихся 5-7 класса на основе
инновационного подхода 24

Zaripov Lochin Rustamovich

Formation of technological competencies of students in grades 5-7 on the basis of an
innovative approach 46

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of publications 50

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ЗАРИПОВ ЛОЧИН РУСТАМОВИЧ

**ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВ АСОСИДА 5-7-СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИДА
ТЕХНОЛОГИК КОМПЕТЕНЦИЯЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ
МЕТОДИКАСИ**

**13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси
(технология)**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2020

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.2.PhD/Ped511 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.vocedu.uz) ва "ZiyoNET" ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Шарипов Шавкат Сафарович
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Қўйсинов Одил Алмуратович
педагогика фанлари доктори (DSc), доцент

Жўраев Хусниддин Олтинбоевич
педагогика фанлари доктори (DSc), доцент

Етакчи ташкилот:

Андижон давлат университети

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.30.01.2020.ped.26.01 рақамли бир мартали Илмий кенгашнинг 2020 йил «15» 12 соат 9:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (манзил: 100185, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27-уй. Тел.: (+998) 71-276-79-11; факс: (+998) 71-276-80-86; e-mail: tdpu_kengash@edu.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат педагогика университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (1578 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100185, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27-уй. Тел.: (+998) 71-254-92-02; факс: (+998) 71-215-54-20.

Диссертация автореферати 2020 йил «5» 12 кuni тарқатилди.
(2020 йил «6» декабр даги 24 - рақамли реестр баённомаси).


Р.Х. Джураев
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси, п.ф.д., академик


Р.Т. Исаёв
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш котиби, п.ф.н., доцент


Н.А. Муслимов
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш қошидаги семинар раиси, п.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон таълим муассасаларида инновацион ёндашувлар асосида ўқувчиларда технологик компетенцияларни шакллантиришнинг креатив-модулли технологиялари таълим жараёнига татбиқ этилган. ЮНЕСКОнинг “Барча учун илмий ва технологик саводхонлик” Халқаро лойиҳаси (International project on scientific and technological literacy for all)¹ доирасида таълимнинг глобал вазифаларини амалга ошириш, технологик дунёқараш, технологик саводхонлик, технологик компетентликни шакллантириш, инновацион ёндашувларни амалиётга самарали татбиқ этиш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Жаҳон таълим ва илмий тадқиқот муассасаларида мактаб ўқувчиларининг мустақил ижодий фикрлаш қобилиятларини ва технологик компетенцияларини шакллантириш, технологик билимларнинг самарадорлигини ошириш, STEAM (science, technology, engineering, art and mathematics) таълимини қўллаш бўйича илмий тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, инновацион ёндашувлар асосида технологияни ўқитишда меҳнат объектини танлаш, ўқув жараёнини ташкил этишнинг фаол шакллари, технология ва амалий ишлар элементларидан тизимли фойдаланиш, технологик таълим бериш жараёнида малака талаблари ҳамда ўқув фанининг ахборот-методик таъминотини такомиллаштириш бўйича илмий изланишларга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамызда профессионал таълим муассасаларини ташкил этиш, мактаб ва профессионал таълим ўртасидаги узлуксизликни таъминлаш, таълим муассасаларини моддий-техник базасини кенгайтиришнинг меъёрий асослари яратилди. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш йўлини давом эттириш, таълим даражасини сифат жиҳатидан ошириш ва тубдан такомиллаштириш” асосий устувор вазифалар сифатида белгиланган.² Шундан келиб чиқиб, технологик таълим мазмунини модернизациялаш, интерфаол ўқитиш методлари ва технологияларини амалиётга кенг татбиқ этиш, ўқувчиларда технологик компетенцияларни шакллантиришнинг педагогик механизмларини такомиллаштириш имкониятлари кенгайтирилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2019 йил 29 апрелдаги ПФ-5712-сон “Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармонлари, 2017 йил 30 сентябрдаги ПҚ-3304-сон “Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

¹ Scientific and Technological literacy for all. Materials from the UNESCO-ICASE-CSEC Delhi Workshops.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда, 20-сон, 354-модда, 23-сон, 448-модда.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий ривожлантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. А.Абдуқодиров, А.И.Авазбоев, Ш.С.Абдураимов, У.Бегимкулов, А.И.Воробьев, К.Давлатов, Р.Г.Исянов, И.Каримов, Н.А.Муслимов, О.Магдиев, П.Т.Мазгунов, М.Мамаражабов, Д.Маматов, У.Н.Нишоналиев, Ж.Рамизов, Н.Тайлақов, Ў.Қ.Толипов, А.Р.Ходжабоев, Э.Т.Чориев, Ш.С.Шарипов, Н.Ш.Шодиев, О.А.Қўйсинавлар меҳнат таълимида политехник тайёргарликнинг умумназарий ва методологик муаммолари, мактаб ўқувчиларини касб-ҳунарга йўналтириш ҳамда техник-ижодкорлик қобилиятларини ривожлантириш, касбий қизиқишларини аниқлаш каби муаммоларни тадқиқ этиб, айна соҳа ривожига ҳисса қўшдилар.

П.Р.Атутов, П.Н.Андрианов, Л.В.Байбородова, С.Я.Батышев, В.А.Кальней, Е.А.Климов, С.Е.Матупшин, Э.Д.Новожилов, М.Скаткин, Л.Н.Серебренников, С.Шацкийлар умумий ўрта таълимнинг компоненти сифатида ўқувчиларни меҳнатга ва касб эгаллаш тайёрлаш, технологик компетенцияларни шакллантириш ғоясини жорий этишнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш ва методик таъминотини таъминлаш бўйича тадқиқот ишларини олиб борган.

Хорижий давлатларда технологик таълим мазмунини замонавийлаштириш, технологик компетентликни шакллантириш, уни жамиятдаги ижтимоий ўзгаришларга мослаштириш масалалари А.Ресчи, D.Bell, D.Medous, P.Kuusi, E.Toffler, J.Masudalar томонидан тадқиқ этилган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат педагогика университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Умумий ўрта таълим мактабларида меҳнат таълими фанини мазмунан модернизациялаш ҳамда таълим сифати ва самарадорлигини ошириш технологиялари” (2015-2018 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади инновацион ёндашув асосида 5-7-синф ўқувчиларида технологик компетенцияларни шакллантириш методикасини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

5-7-синф ўқувчиларида шакллантириладиган технологик компетенцияларнинг фалсафий, педагогик-психологик мезонларини таҳлил этиш;

ўқувчиларнинг технологик компетенциялари шаклланиши самарадорлигига таъсир кўрсатувчи омилларни аниқлаштириш;

инновацион ёндашув асосида умумий ўрта таълим мактаб ўқувчиларида технологик компетенцияларни шакллантиришнинг ташкилий тузилмавий модели ва алгоритмик харитасини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш технологиясини такомиллаштириш;

5-7-синф ўқувчиларининг технологик компетенциялари шаклланишини баҳолаш ва кўрсаткичларини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти инновацион ёндашув асосида 5-7-синф ўқувчиларида технологик компетенцияларни шакллантириш методикасини шакллантириш жараёни.

Тадқиқотнинг предмети инновацион ёндашув асосида 5-7-синф ўқувчиларида технологик компетенцияларни шакллантириш методикасини такомиллаштиришнинг шакл, метод, воситалари.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда фалсафий, психологик ва педагогик адабиётлардаги мавзуга доир маълумотларни қиёсий ўрганиш ҳамда таҳлил қилиш; давлат таълим стандарти, ўқув режалари ва дастурлари, дарслик ва ўқув-методик қўлланмаларни ўрганиш; ижтимоий-педагогик (кузатиш, суҳбат, анкета, сўров, тест); педагогик тажриба-синов; натижаларни математик-статистик қайта ишлаш ва умумлаштириш методларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ўқувчиларда технологик компетенцияларни шакллантириш методикаси “фаолиятга йўналтирилган”, “латерал фикрлаш” технологияларини ДТС талабларига дидактик мослаштириш ва таълим жараёнида индивидуал ривожлантирувчи тренинглар мажмуини қўллаш асосида такомиллаштирилган:

ўқувчилар технологик компетенцияларининг асосий компонентлари (билиш, график, амалий, ижодий) ўқув-технологик фаолият турлари (психомоторик, функционал, амалий) ваинтерфаол таълим технологиялари (STEAM, “SMART technology”) даражаларига мос компетенциялар тизими асосида такомиллаштирилган;

умумий ўрта таълим мактаб ўқувчиларида технологик компетенцияларни шакллантиришнинг ташкилий тузилмавий модели дарс машғулоти сифати ва таълим траекторияларини STEAM – таълим ёндашувига индивидуаллаштириш асосида такомиллаштирилган;

ўқувчиларда технологик компетенцияларнинг шаклланганлик даражалари (билиш, амалий-операционал, ижодий) ташхислаш компонентлари (таҳлил, сўровнома, топширик) ва функцияларини интегратив мувофиқлаштириш орқали аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

5-7-синф ўқувчиларида технологик компетенцияларни самарали шакллантиришнинг методик асосларидан умумий ўрта таълим мактаблари дарс жараёнида, амалий машғулотида, техник ижодкорлик уйларида ва бошқа болалар ташкилотларида фойдаланиш мумкин;

“Меҳнат таълими методикаси” номли электрон дарслик, “Метрология стандартлаштириш ва сертификация фанидан лаборатория машғулотида бажариш” бўйича, “Меҳнат таълими методикаси” фанидан курс иши бажариш, “Умумтаълим мактаб ўқувчиларида технологик компетенцияларни шакллантириш бўйича” методик тавсиялар ва кўрсатмалар ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ этилган;

Инновацион ёндашув асосида ўқувчиларда технологик компетенцияларни шакллантиришнинг ташкилий-тузилмавий модели ва алгоритмик харитаси ишлаб чиқилган ва амалиётга жорий этилган;

тадқиқотнинг назарий ғоялари ва амалий ишланмаларидан технологик таълим жараёнларини ахборотлаштириш, мазмунини такомиллаштириш, ўқув режалари, ўқув дастурлари, дарсликлар, методик қўлланмаларни яратиш, технология фани бўйича назарий ва амалий машғулотларни ташкил этишда фойдаланиш бўйича илмий-методик тавсия берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги эришилган натижаларни ўзида акс эттирган республика ва халқаро миқёсдаги илмий-услубий ва илмий амалий конференция материаллари тўпламлари, ОАК рўйхатидаги журналлар ҳамда хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолалар, ушбу муаммо бўйича ўтказилган анкета сўровлари, хулосалар, таклиф ҳамда тавсиялар ишнинг амалиётда жорий этилгани ва олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий аҳамияти технология фанини ўқитиш методикасини инновацион ёндашув асосида такомиллаштириш орқали 5-7-синф ўқувчиларида технологик компетенцияларни шакллантириш ҳамда ўсиш даражасини белгиловчи мезонлар таклиф этилганлиги билан характерланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундаки, инновацион ёндашув асосида умумий ўрта таълим мактаб ўқувчиларида технологик компетенцияларни шакллантиришнинг ташкилий тузилмавий модели ва алгоритмик харитаси ишлаб чиқилганлиги, “Технология” фани сайти яратилганлиги ҳамда дастурий таъминот ва очиқ таълим ресурслари билан такомиллашганлиги ва улардан умумий ўрта таълим муассасаларида фойдаланиш ижобий кўрсаткичга олиб бориши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши: Инновацион ёндашув асосида 5-7-синф ўқувчиларида технологик компетенцияларни шакллантириш методикаси бўйича илмий тадқиқот натижалари асосида:

ўқувчиларда технологик компетенцияларни шакллантиришга қаратилган “фаолиятга йўналтирилган”, “латерал фикрлаш” каби инновацион таълим технологиялари мазмуни билан ДТС талабларини мослаштириш асосида ўқувчиларда технологик компетенцияларни шакллантириш жараёнини такомиллаштиришга оид таклифлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги “Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 187-сонқарори мазмунига сингдирилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 20 майдаги 89-03-1638-сон маълумотномаси). Мазкур таклиф ва тавсиялардан технология фани мазмунини модернизациялаш асосида такомиллаштирилган ўқув дастурлари, дарсликлар, методик қўлланмалар ишлаб чиқишда фойдаланилган;

технологик компетенцияларни шакллантиришнинг ташкилий тузилмавий модели ва уни жорий этишнинг методик таъминотини (ўқув машғулотларининг алгоритмик хариталари, ижодий характердаги технологик топшириқлар, инновацион ўқитиш воситалари, тизимлаштирилган маълумотлар базаси орқали) такомиллаштиришга оид ёндашувларни таълим жараёнига татбиқ этиш бўйича тавсиялардан “Умумий ўрта таълим мактабларида меҳнат таълими

фанини мазмунан модернизациялаш ҳамда таълим сифати ва самарадорлигини ошириш технологиялари” мавзусидаги 2015-2018 йилларга мўлжалланган амалий лойиҳасида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 20 майдаги 89-03-1638-сон маълумотномаси). Мазкур ёндашувлар ўқувчиларда технологик компетенцияларни шакллантириш сифатини ошириши таъминланган;

ўқувчиларда технологик компетенцияларни шакллантиришга қаратилган ўқув-технологик фаолият турларини (психомоторик, функционал, амалий) бажариш методлари (вариантларни танлаш, материалларга ишлов бериш, мустақил иш, буюмларни моделлаштириш) интерфаол таълим технологиялари (STEAM, “SMART technology”) асосида такомиллаштиришга оид таклифлар 5-7-синфлар учун “Технология” фани ўқув дастурлари мазмунига сингдирилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 20 майдаги 89-03-1638-сон маълумотномаси). Натижада, технология фанини ўқитиш ва инновацион ёндашув асосида ўқувчиларида технологик компетенцияларни шакллантириш самарадорлиги ортишига эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот иши натижалари 20 та илмий-амалий анжуманда, жумладан 6 та халқаро, 14 та республика миқёсидаги анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 42 та илмий иш чоп этилган. Шулардан: Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссияси томонидан докторлик (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия қилинган илмий нашрларда 12 та (республика журналларида – 9 та, хорижий журналларда – 3 та) мақола нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 141 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, унинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ёритилган, ишнинг мақсад ва вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети аниқланган, тадқиқот усуллари, диссертациянинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти асослаб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилганлиги, эълон қилинганлиги, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **“Инновацион ёндашув асосида ўқувчиларда технологик компетенцияларни шакллантиришнинг назарий асослари”** номли биринчи бобида инновацион ёндашув асосида умумий ўрта таълим мактаб ўқувчиларида умумий компетенцияларни, шу жумладан, технологик компетенцияларни шакллантириш муаммоси таҳлил этилган, мактаб

Ўқувчиларида технологик компетенцияларни шакллантиришнинг назарий асосларини ўрганиш асосида унинг методик асослари очиб берилган, ўқувчиларда шакллантириладиган технологик компетенцияларнинг мазмуни, ўқувчиларнинг технологик компетенциялари шаклланиши самарадорлигига таъсир кўрсатувчи омиллар ҳақида сўз юритилган.

Умумий ўрта таълим мактаб ўқувчиларига тўлақонли технологик таълим бериш технологик компетенцияларни шакллантиришни ҳам ўз ичига камраб олади. Ўқувчиларда технологик кўникмаларни шакллантириш муаммолари ватанимиз ва ҳамдўстлик мамлакатларининг таниқли педагог олимлари, П.Р.Атутов, Е.Ф.Евграфов, А.Ф.Журба, Н.А.Муслимов, Е.А.Милерян, А.М.Новиков, Э.Тўраев, А.Р.Ходжабоев, В.В.Чебышева, Ш.С.Шарипов, Н.Шодиев, О.А.Қўйсинов ва бошқаларнинг ишларида қараб ўтилган. Тадқиқот доирасида илғор технологиялар бўйича билимлар мазмунини ишлаб чиқиш ва уларни мактаб амалиётида жорий этиш учун ушбу олимларнинг тадқиқот ишлари натижалари муҳим асос бўлиб хизмат қилди.

“Технология” фанини инновацион ёндашув асосида ўқитишнинг долзарблигининг илмий асослари таълимни инсонпарварлаштириш концепциясини, ўқитишда муаллифлик стили, шахсга йўналтирилган таълимни жорий этиш, таълимда расмийчиликни бартараф этиш, ўқувчиларнинг ижодий имкониятларини ривожлантириш шарт-шароитларини яратиш, ҳозирги замон жамиятининг ижтимоий-маданий эҳтиёжларининг ўқувчиларнинг мустақил ижодий фаолиятига мослигини таъминлаш билан изоҳланади.

Ҳозирги кунда технология таълимини ташкил қилиш борасида турли ёндашувлар мавжуд бўлиб, 1-жадвалда технология фанида анъанавий ва инновацион ёндашувли таълимнинг қиёсий таҳлили келтирилган.

1-жадвал

Технология фанида анъанавий ва инновацион таълимни қиёслаш

Позициялар	Анъанавий таълим	Инновацион таълим
Мақсадлар	1. Моддий ишлаб чиқариш ва замонавий техника соҳасида меҳнатга тайёрликни шакллантириш 2. Масъулиятли ижрочини тайёрлаш	1. Технологик ва илмий билимлардан фойдаланиб қайта ўзгартириш фаолиятига тайёрликни шакллантириш 2. Қайта ўзгартирувчи ижодкор ўқувчини тайёрлаш
Асосий вазибалар	1. Ўқувчиларни политехник асосда умумий ва касбий билимлар билан қуроллантириш 2. Умуммеҳнат кўникма ва малакаларни шакллантириш	1. Билимларга эҳтиёжни ривожлантириш, мустақил таълим олиш кўникмаларини шакллантириш 2. Ўқувчиларда технологик компетенцияларни шакллантириш
Мазмуни	Табий-илмий фанлар, объектлар, фанлар (математика, физика, кимё, биология ва бошқ.)	Интеграллашган STEAM таълими Science-табий фанлар, Technology-технологиялар, Engineering-техник ижодкорлик, Art-санъат,

		Mathematics-математика
Тузилмаси	Атроф-оламни билиш йўналишлари	Илмий асосда атроф-оламни ўзгартиришга қаратилган перманентли (доимий), муаммолий йўналтирилган ўқитиш
Илғор метод ва шакллар	Ахборот-репродуктив, нофаол, гуруҳий ва оммавий, экстенсив, дедуктив	Ижодий, фаол (лойиҳалар, ишбилармонлик ўйинлари, машқлар, экспериментлар, ижодий топшириқлар), индивидуал ва гуруҳий, жадал, индуктив
Ўқитиш моҳияти	Намуна бўйича билим, кўникма ва малакаларни узатиш, ўзлаштириш ва қайта тиклаш	Лойиҳалаш машқини қила олиш фаолияти орқали билим, кўникма ва малакаларни мустақил эгаллаш
Устуворликлар	Табиий-илмий, техник билимлар ва таълим натижалари	Технологик билимлар, билиш метод ва воситалари
Ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ўзаро таъсири услуги	Авторитар, субъект-объект (ўқитувчи-назоратчи)	Демократик, субъект-субъект, ҳамкорлик асосида (ўқитувчи-маслаҳатчи, ёрдамчи)
Асосий натижалар	Фанлар бўйича билимлар даражаси (ўзлаштириш, билимлар сифати)	Технологик компетенцияни шакллантириш ва қайта ўзгартириш фаолияти кўникмалари даражаси

Тадқиқотлар натижасида технология дарсларида умумий ўрта таълим мактабларининг 5-7-синф ўқувчиларида шакллантириладиган билимлар ва компетенцияларнинг қуйидаги асосий элементлари аниқланди: коммуникативлик, ахборот билан ишлаш, ўз-ўзини ривожлантириш, фан ва техника янгиликларидан хабардор бўлиш ва улардан фойдаланиш компетенциялари.

Ўқитиш мазмунига қуйилган қуйидаги талаблар аниқланди: илмий-техника тараққиётининг устувор йўналишларини акс эттириш зарурлиги (илғор технологик жараёнлар, ахборот-коммуникация технологиялари, саноат маҳсулотларининг янги турларини ўзлаштириш); янги технологик жараёнлар ва янги техникаларни ўрганишдаги изчиллик, материалларни анъанавий қайта ишлаш усулларини замонавийлари билан қиёслаш, умумийлик ва алоҳидаликни аниқлаш, қиёслаш, таҳлил қилиш; умумий ўрта таълим предметлари ва технологик таълим мазмунининг ўзаро боғлиқлиги; замонавий ишлаб чиқаришда қайта ишлашнинг технологик усулларининг қўлланилиши; ўқувчиларни касбга йўналтириш имконияти.

Баён этилган талаблар асосида илғор технологиялар ва янги техника бўйича 5-7-синф ўқувчилари учун билим, кўникма ва компетенцияларнинг қуйидаги мазмуни такомиллаштирилди. Металларга ишлов беришда чилангарнинг иш ўрнини ташкил қила олиш, турли материалларни букиш, қирқиш, елимлаш ишларини бажаришда ишлатиладиган асбоблардан фойдалана олиш (5-синф), техника ва конструкциялаш элементлари,

буюмларни тайёрлай олиш: лойихалай олиш, ўлчай олиш, режалай олиш, бириктира олиш, пардозлай олиш, кеса олиш, эговлай олиш, зубило билан ишлаш усулларини бажара олиш, бир неча детал ва тайёрланмага ишлов бера олиш, турли материалларга ишлов беришда, асбоб-ускуна ва мосламаларда ишлай олиш (6-синф), буюм ва маҳсулотларни технологик лойихалай олиш, материалларни саралай олиш, рангли металллар ва уларнинг қотишмаларининг механик хоссаларини билиш ва амалий машғулот жараёнида қўллай олиш, юпка тунукалар, симлардан буюмлар ясай олиш, металлларга чилангарлик ва токарлик ишлов бериш турлари ва усулларини бажара олиш (7-синф).

Шундан сўнг ватанимиз ва хорижий педагог олимларнинг умумий ўрта таълим мактаб ўқувчиларида технологик билим ва компетенцияларни шакллантиришга бағишланган психологик-педагогик ишлари натижалари таҳлил этилди. Ушбу жараённинг самарадорлиги қуйидаги шарт-шароитларга амал қилишга узвий боғлиқ: технологик ҳужжатларни, ўқитишнинг техник воситаларини ва фаолиятнинг йўналтирувчи асосларини яратиш; ўқувчилар олдига технологик вазифалар ва масалаларни қўйиш ёрдамида уларнинг технологик фикрлашини ривожлантириш учун ўқитишнинг муаммоли методидан фойдаланиш; таққослаш, қиёслаш, таҳлил, синтез ва бошқа усулларни қўллаш орқали ўқувчиларнинг ақлий фаолиятини шакллантириш; ўқувчиларга янги техника конструкцияларини таққослаш, қиёслаш имконини берувчи ўқитишнинг кўргазмали воситаларидан фойдаланиш.

Педагог олимларнинг фикрича инновация (янгилик) – бу фаолиятнинг турли соҳаларига янги ўзгаришлари татбиқ этиш жараёни. Ҳозирги замон таълим тизимида педагогик жараёнларнинг икки туридан ташкил топган: инновацион ва анъанавий. Таълимдаги инновация – бу мақсадга йўналтирилган янгилик бўлиб, унинг мақсади барқарор ва анча самарали натижага эришишдир. Инновацион ёндашув таълим мазмунини ишлаб чиқариш жараёнидаги янги техника ва технология элементлари билан бойитиш, таълим жараёнига инновацион таълим ва замонавий ахборот технологияларини жорий этиш ва улардан амалда фойдаланишни билдиради.

“Технология” фанини инновацион ёндашув асосида ўқитишнинг мақсади ўқувчиларнинг интеллектуал, коммуникатив, технологик ва ижодий қобилиятларини, фикрлаш усулларини ривожлантириш, билим, кўникма, малакалари, бир сўз билан айтганда технологик компетенцияларини шакллантиришдан иборат. Юқорида баён этилган мақсадлар асосида “Технология” фанини инновацион ёндашув асосида ўқитишнинг қуйидаги вазифалари белгиланди: ўқув-тарбия жараёнини мақбуллаштириш, ўқитувчи ва ўқувчининг ҳамкорлиги учун шарт-шароитлар яратиш, ўқувчиларда ўқишга доимий ижобий муносабат шакллантириш, уларни краетив фаолиятга жалб этиш, ўқув материалларни ва уни узатиш усулларини тўғри танлаш. “Технология” фанини инновацион ёндашув асосида ўқитишда ривожлантирувчи, муаммоли ўқитиш, танқидий фикрлашни ривожлантириш, ўқитишга янгича ёндашув, дарсда муваффақиятга эришиш учун шароит яратиш ва бошқалар ётади. Инновацион ёндашув асосида ўқитишнинг асосий тамойиллари креативлик (ижодкорликка йўналганлик); тизимдаги билимларни

ўзлаштириш, дарсларнинг ноанъанавий шакллари, кўрғазмалилик методидан фойдаланишдан иборат.

Педагогик инновация – бу назарий жиҳатдан асосланган, мақсадга ва амалиётга йўналтирилган мазмун, метод, шакл ва воситалар мажмуаси. У макродаража, мезодаража ва микродаражаларда амалга оширилади. Макродаражадаги инновация бутун таълим тизимидаги ўзгаришларга дахлдор ва бу унинг парадигмалари ўзгаришларига олиб келади, мезодаражадаги инновация таълим муҳитидаги ўзгаришларга йўналтирилади, микродаражадаги инновацияда ўқув фани, ёки фанлар блоки (масалан, технология ўқув фанининг янги мазмунини ишлаб чиқиш; ёки таълим жараёнини тузилмалаштиришнинг янги усуллари, янги технологияларни, ўқитишнинг янги шакл ва методларини ишлаб чиқишга) эътибор қаратилади. Бизнинг педагогик тадқиқотимизда микродаражадаги инновациялар ўрганилди ва такомиллаштирилди.

Умумтаълим мактабларида фанларни ўқитиш жараёнида фан-техника тараққиёти, инженерия, математика ва кундалик ҳаёт билан боғлаб ўрганишнинг STEAM (science, technology, engineering, art and mathematics) ёндашуви таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш долзарб масаладир. STEAM замон талаблари асосида халқаро миқёсида ўқувчиларга таълим-тарбия беришда умумтаълим фанлари бўйича фанлараро боғланиш ва амалий ёндашувни кучайтиришга қаратилган умумий режа. STEAM ўзига табиий фанлар, технология, инженерлик, санъат, ижодкорлик, математика фанларининг амалий жиҳатларини умумлаштириб интеграциялашни назарда тутди. STEAM-таълим илмий методлар, техник иловалар, математик моделлаштириш, муҳандислик дизайнини биргаликда қўллаш имконини яратади. Бу эса ўқувчининг инновацион фикрлашини, уларда технологик компетенцияларнинг шаклланишини таъминлайди.

Технология ўқув фанидан инновацион ёндашув асосида таълим бериш, таълим жараёнига эмас, балки унинг натижасига, таълимда ўқитувчи ролининг ўзгариши ва шу билан таълимни ташкил этиш ва унинг натижасини баҳолаш методларининг ўзгаришига эътибор қаратилди. Бундан ташқари, технологик таълим жараёнида инновацион ёндашув асосида ўқитишда таълимнинг амалий йўналганлигини кучайтириш назарда тутилди. Бундай ёндашувда таълим олувчида амалий таълим олишнинг янги имкониятлари шакллантирилди, унинг шахсий имкониятлари ривожлантирилди, масалан, ўқувчилар ўқитувчининг ёрдамида мустақил ўқишга, изланиш, ижодкорликка, яъни ўқув фаолияти соҳасидаги муаммолар, жумладан, ўқув фаолияти мақсадини, билимнинг зарурий манбаини билиш, мустақил ўқув фаолиятини ташкил этиш, бошқа ўқувчилар билан ҳамкорликда ишлаш муаммоларини ечишга ўргатилди.

Педагогик тадқиқотлар шуни кўрсатадики, «компетенция» тушунчасининг моҳият - мазмуни унинг мажмуавий хусусиятида, яъни ўқув фаолиятини амалга ошириш учун ҳар бири тенг қийматли ва муҳим аҳамиятга эга бўлган билимлар, кўникмалар, қадриятлар, йўналишлар ва муносабатлар интеграциясида ўз ифодасини топади. Ташкилий-технологик компетенциялар меҳнат қуролларини танлаш, зарурий материалларни излаш, уларни қайта ишлашнинг технологик усуллари аниқлаш, ишларни режалаштириш ва меҳнат жараёнини ўрганишдаги инновацион ёндашув билан узвий боғлиқ.


Равшанки, технологик компетенция алоҳида ажратилган компетенция эмас, балки бошқа таянч компетенцияларнинг элементи ҳисобланади. У кўп ҳолларда “Технология” ўқув фани доирасида шакллантириладиган компетенция сифатида талқин этилди. Технологик компетенцияни ўқувчиларнинг технологик амалларни изчил бажариш тартибига, технологик меъёрларга, техника хавфсизлик қоидаларига ва меҳнат муҳофазаси талабларига роия этган ҳолда, аниқ вазиятларда маҳсулотни тайёрлаш (ишлаб чиқиш) бўйича билимлари, кўникмалари, малакаларидан самарали фойдаланиш қобилияти сифатида таърифлаш мумкин.

Ўқувчиларда технологик компетенцияларни шакллантириш амалий фаолиятнинг ҳар хил турларини ўзлаштириш билан боғлиқ. Тадқиқотлар жараёнида 5-7-синф ўқувчиларида технологик компетенцияларни самарали шакллантиришнинг қуйидаги методик асослари аниқланди: ўқув машғулоти мазмунига материалларни қайта ишлашнинг турли технологияларини жорий этиш; ўқув жараёнини ўқитувчининг раҳбарлигида ўқувчининг мустақил ишлашига устуворлик бериш асосида амалга ошириш; ўқувчиларнинг амалий фаолиятини технологиялар ва буюмларни тайёрлашни ўрганиш жараёнларининг бирлиги асосида ташкил этиш; машғулотлар буюмлар билан ишлашнинг индивидуал ва жамоа шакллари биргаликда қўллаш; ўқитиш методларини ўқувчиларнинг мустақил фаолиятини фаоллаштиришга йўналтириш; ўқувчиларда буюмларни тайёрлаш технологиялари ва усулларининг муқобилларини излашга қизиқиш уйғотиш ва уни ривожлантириш методларини қўллаш.

Диссертациянинг **“Умумий ўрта таълим мактабларининг 5-7 синф ўқувчиларида технологик компетенцияларни шакллантириш мазмуни, методи, шакли ва воситалари”** деб номланган иккинчи бобида инновацион ёндашув асосида ўқувчиларда технологик компетенцияларни шакллантириш мазмунини такомиллаштириш омиллари ва воситалари, технологик таълим жараёнининг методик таъминоти, ўқувчиларда технологик компетенцияларни шакллантиришнинг шакли, восита ва методлари қараб ўтилган. Инновацион ёндашув асосида ўқувчиларда технологик компетенцияларни шакллантиришнинг ташкилий-тузилмавий модели ва унинг самарадорлиги тадқиқ этилган.

“Технология” ўқув фани умумий ўрта таълим тизимида муҳим ўрин эгаллайди. “Технология” ўқув фани ўқувчиларда технологик компетенцияларни шакллантириш ва ўқитишнинг зарурий компоненти ҳисобланади ва уларга технологик билимларини амалиётда қўллаш имкониятини яратади. “Технология” ўқув фанини инновацион ёндашув асосида ўқитишда ўқувчиларда технологик компетенцияларни шакллантириш ҳам педагогик, ҳам бошқарув масалалари ҳал этишни тақозо этди.

Таълим муассасасининг инновацион ёндашуви - бу ўқув жараёнига таълим муассасаси томонидан киритилган янгиликларнинг йиғиндисини ифода этади. Бу муҳитда ўқитувчининг педагогик фаолияти ва таълим жараёни (ўқувчиларда технологик компетенцияларни шакллантириш жараёни) амалга оширилади. Инновацион ёндашувни бундай маънода тушунишда педагогик шарт-шароит ўқитувчи фаолиятининг муҳим шarti ҳисобланади.



1-расм. Инновацион ёндашув асосида ўқувчиларда технологик компетенцияларни шакллантиришнинг ташкилий-тузилмавий модели

Инновацион ёндашув асосида технологик компетенцияларни шакллантиришнинг асосий мақсади мактаб ўқувчиларини ижодий меҳнатга тайёрлаш ва унинг ҳар томонлама уйғун ривожланишини таъминлашдан иборат. Мактаб ўқувчиларида технологик компетенцияларни шакллантириш мақсадларини жорий этиш технологик таълимнинг узлуксизлиги ва яхлитлигини таъминлашни талаб этади.

Инновацион ёндашув асосида умумий ўрта таълим мактабларининг 5-7 синф ўқувчиларида технологик компетенцияларни шакллантириш ишлари турли шаклларда амалга оширилди. Педагогик изланиш натижаларига асосланиб, биз мактаб ўқувчиларида инновацион ёндашув асосида технологик компетенцияларни шакллантиришнинг ташкилий-тузилмавий моделини ишлаб чиқдик (1-расм). Мактаб ўқувчиларида инновацион ёндашув асосида технологик компетенцияларни шакллантиришнинг ташкилий-тузилмавий модели ўз ичига мақсад, педагогик жараён, натижа компонентларини қамраб олган.

Мақсад сифатида технология фани машғулотларида мактаб ўқувчиларида малака талаблари асосида технологик компетенцияларни юқори даражада шакллантиришга эришишнинг методологик омили сифатида қаралган.

Педагогик жараёни ташкил этиш бўйича умумий ўрта таълим мактаблари технология ўқув фани мазмунини такомиллаштириш, Технология фани дастурларини такомиллаштириш орқали дастур мазмунига инновацион технологияларни сингдириш, ўқитишнинг мазмуни (ДТС, меъёрий ҳужжатлар, дарслик ва ўқув қўлланмалар), шакли (жамоа, гуруҳ, якка), методи (анъанавий ва ноанъанавий) ва воситалари (кўргазмали, босма, аудиовизуал, электрон, интерактив доска, электрон таълим ресурслари, дидактик материаллар, ўқув устахонасининг асбоб-ускуналари, жиҳозлар ва бошқалар), ўқувчиларда технологик билим, ахборотлар билан ишлаш, ўз-ўзини бошқариш, ривожлантириш ва мустақил билим олиш, таҳлил қилиш, янгиликларни излаш, фан ва техника янгиликларидан хабардор бўлиш ҳамда фойдаланиш, технологик инновациялар асосида буюм ва маҳсулот турларини, уларни компетенцияларни шакллантириш ва ишлов бериш усулларини билиш, технологик лойиҳалаш ҳамда амалга ошириш ва ўз-ўзини ривожлантиришини акс эттирувчи андоза ҳисобланади. Ўқувчиларда технологик компетенцияларни шакллантириш технологиялари тадқиқотимизнинг асосий категорияси ҳисобланиб, бунда инновацион технологиялар (STEAM, SMART technology, ижодий машқлар ва муаммоли видеотопшириқлар, алгоритмик хариталар, технология фани сайти) асосида ўқувчиларда технологик компетенцияларни шакллантириш жараёнини ташкил этиш, бошқариш ва натижаларни аниқловчи таълим технологиялари шакллантирилди ҳамда амалиётда қўлланилди.

Натижаларга таянган ҳолда, мактаб ўқувчиларида Давлат таълим стандартлари бўйича технологик компетенцияларни шакллантириш ҳақида хулоса чиқарилди. Амалиётга татбиқ этилган методика ва технологиялар асосида ўқитувчиларнинг технологик компетенцияларининг шакллантириш даражаларини аниқловчи баҳолаш мезонлари (билиш, амалий операционал ва ижодий) ва кўрсаткичлари (юқори, ўрта, паст)ни мувофиқлаштириш орқали баҳолаш имкониятлари очиб берилди. Реал шароитдан келиб чиққан ҳолда,

Ўқувчиларнинг амалий меҳнат фаолияти жараёнида у ёки бу техник ечимни ижодий ҳал этиб, ишлаб чиқариш жараёнида бирор буюм яратиши ёки уни такомиллаштириши учун имкон яратилди.

Натижа сифатида умумий ўрта таълим мактаб ўқувчиларини инновацион ёндашув асосида технологик компетенцияларни шакллантиришнинг юқори даражасига эришилиши илмий асосланди.

Юқоридаги қайд этилган илмий-назарий таҳлиллар, фикр ва мулоҳазалар асосида ўқувчиларда технологик компетенцияларни шакллантиришнинг алгоритмик харитасини ишлаб чиқдик (2-жадвал).



2-жадвал. Ўқувчиларда технологик компетенцияларни шакллантиришнинг алгоритмик харитаси

1-босқич. Билиш жараёнини ташкил этишда ўқувчиларда материаллар ва уларнинг хоссалари, хусусиятлари ҳамда техник объект ва технологик жараёнларга оид маълумотларни ўрганиш кўникмаларини шакллантириш орқали технологик ижодкорлигини ривожлантиришда амалий топшириқлар берилди. Ўқувчилар ижодий ёндашган ҳолда (табиий ва сунъий материалларнинг хусусиятларини тавсифлаш, фарқлай олиш, улардан буюм ва маҳсулотларни технологик лойиҳалай олиш, моделларни қуриш-ясаш ишларини бажариш, елимлаш, тайёрлаш) дарс жараёнида уларнинг ечимларини топишларига йўналтирилди ва самарали натижаларга эришилди.

Бунда ўқувчиларнинг техник объект ва технологик жараёнларни амалга оширишда кириш йўриқномаси асосида ташкилий масалаларни ҳал этиш бўйича технологик компетенциялари ривожлантирилди.

2-босқич. Амалий операционал жараёнини ташкил этишда ўқувчиларнинг техник объект ҳамда технологик жараёнларда махсус ва умуммеҳнат операцияларини билиш, махсус ва умуммеҳнат операцияларни амалиётда қўллай олиш кўникмаларини ривожлантирувчи амалий топшириқлар асосида технологик харита тузиш ҳамда материалларни саралаш, уларга иссиқ ва совуқ ҳолда ишлов бериш усулларини бажаришда жорий йўриқномалар асосида интерактив метод ва усуллардан фойдаланган ҳолда амалий топшириқларнинг оптимал ва самарали ечими топилди. Бунда STEAM, SMART technology, амалий машқлар ва муаммоли видеотопшириқлардан фойдаланилди.

3-босқич. Ижодий (техник ва креатив фикрлашни, интеллектуал қобилиятларини шакллантириш, технологик жараён ва тайёрланган маҳсулотларни бажариш кетма-кетлиги ҳамда маҳсулот сифатини таҳлил қила олиш ва амалиётда фойдаланиш)да ўқувчилар креатив фикрлашга ва ижодий ечимлар топишга йўналтирилди. Машғулотда ўқувчилар янги ғоялар ва хулосаларга эга бўлди. Техник объект ва технологик жараёнда иш самарадорлигини оширувчи янги ғоялар таклиф этилди.

